



Тарихдан маълумки, илохий диний таълимотнинг асл маъноси унинг сохталаштирувчилари томонидан жуда кўп марта бузиб, нотўғри талкин килиб келинган. Насронийлик тарихида инсоният учун энг фожиаали ва аянчли давр хисобланган Салб юришлари бунга ёркин мисол бўла олади.

XI аср охирида Оврупо насронийлари Худонинг мархаматига мушарраф бўлган Фаластинни «саклаб қолиш» учун Салб юришлари ўтказишга қарор қилишди. Насоро динини «асраб қолиш» учун бутун Овруподан тўпланган кўшинлар қадамлари етган жойга дахшат ва шафқатсизликни олиб бордилар. Мусулмонлар қўл остида бўлганида тинчлик ва мусулмонлар, яҳудийлар ва насронийларнинг ахиллиги таянчи бўлган Қуддусни кўшинлар эгаллаб олгач, шаҳар дахшатли вахшийлик ва қонхўрлик майдонига айланади. Салбчилар шаҳардаги мусулмон ва яҳудийларни аёвсиз қиличдан ўтказишди. Насроний тарихчиларидан бирининг ёзишича, «улар шаҳарда учратган барча арабларни ва туркларни... эркак ёки аёллигига қарамай ўлдиришди, ҳеч нарсани ҳисобга олмай, ёппасига қиришди».

Салбчилардан бири – Раймонд Агильскийнинг йилномасида мана бундай мазмундаги мактанчоклик билан ёзилган битиклар бор эди:

«Тасвирлашга лойик ажойиб воқеалар содир бўлди. Айрим одамларимиз – улар бизникиларнинг энг раҳмдиллари эди – душманларининг қалласини сапчадек ўзишди. Одамларимизнинг бошқалари эса уларни найза билан тинчитишарди. Айримлари ганимларини тириклай ўтга ташлашар, кейин узок қийнаб, секин ўлдиришар эди. Шаҳар кўчалари танадан ўзилган бош, қўл-оёқлар қарамига тўлиб қетди. Шундай тўлдики, ана шу тана аъзолари ва қаллаларга қокилмасдан кўчадан юриш анча мушкул бўлиб қолди. Аммо буларнинг ҳаммаси Сулаймон подшо ибодатхонаси олдида содир бўлган воқеаларга солиштирганда ҳеч нарсага арзимаёт қолади. У ерда нима бўлгани қизиқтиряптими? Агар ростини айтадиган бўлсам, гапларимга ишонишингиз қийин. Гапнинг индаллосини айтсам, Сулаймон подшо ибодатхонаси олдида тўқилган қон

дарёси одамларимизнинг тиззасидан юкориюкка чиқиб кетди».

Йилномалардаги маълумотларга қараганда, салбчиларнинг кўшинлари шаҳарда икки кун ичида 40 000 га яқин мусулмон ва яҳудийни ёвузларча қиймалаб ўлдирганлар.

Салбчиларнинг вахшийлиги шу даражага бориб етдики, улар IV салб юриши пайтида ўз диндошларига қарашли Кустантания (Константинопол) шаҳрини ҳам талон-тарож қилдилар. Улар шаҳар черковларига ички безак сифатида ишлатилган олтин зийнатларни, қимматбаҳо тошларни кўчириб олиб, ташиб кетишдан ҳам ҳазар қилмадилар.

Салбчиларнинг вахшийлиги насронийликнинг сиёсий доктринасига мутлақо зид эди. Инжил насронийликни инсониятга юборилган Илохий «муҳаббат вахийси» деб таълим беради. Пайгамбар Исо алайҳиссалом ўз эргашувчиларига шундай мурожаат қилган: «Душманларингизни севинглар... сизга жабр-зулм ўтказганларнинг ҳаққига ибодат қилинглар....» (Матто баён этган Инжил, 5/44). «Бир чакканга урганга иккинчисини ҳам тут». (Лука баён этган Инжил, 6/29). Янги аҳднинг ҳеч қайси ерида зулм ва зўравонлик қилишга ижозат берадиган амр-фармон йўқ, ҳатто бегуноҳ одамларни ўлдиришни оқлаш фикрининг ўзи ҳам йўқ. «Бегуноҳ ёш гўдакни ўлдириш» деган жумла фақат бир марта, яҳудий шоҳи Ироднинг пайгамбар Исони (с.а.в.) гўдаклигидаёқ ўлдиришга буюргани асносида тилга олинади.

У ҳолда нима сабабдан одамлар устидан ҳар қандай шаклдаги зўравонлик қилишни тақиқлаган муҳаббат динига эътиқод қилувчи насроний салбчилар бу қадар даҳшатли вахшийликни содир этдилар? Бунинг сабаби шундаки, ўз динларини гўё ҳимоя қилмоқчи бўлган салбчи жангчилар аслида бу дин ҳақида ҳеч нарса билмаганлар, Инжилни ҳеч қачон ўқимаганлар, насронийликнинг ахлокий тамойиллари билан таниш бўлмаганлар, салбчиларнинг кўшинлари қаттиқ адаштирилган жохил ва нодон авомдан иборат эди. «Динни асраб қолиш учун» отилиб чиққан бир гуруҳ мунофиқлар Парвардигор номига қасам бердилар ва «Исо Масих шунга буюрган» шиори остида нодон, жохил одамлар оммасини вахшийлик гирдобига улоқтирдилар. Ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида, алдов ва динга тухмат билан одамларнинг гоят кўп қисмини дин мутлақо тақиқлаган ҳаракатларни содир этишга ундадилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, анча юксак ривожланган жамоа ҳисобланган шарқий насронийлар ўзга диндагиларга тенглаб бўлмайдиган даражада адолат-инсоф билан муносабатда бўлганлар. Салбчилар келгунча ҳам ва салб юришлари тугагандан кейин ҳам, православ насронийлар мусулмонлар билан тинчлик ва тотувликда яшаганлар. Салб юришлари тарихига бағишланган Би-Би-Си телекомпанияси дастурларидан бирида тарихчи Терри Жонс шундай ҳулосага келдики, салбчиларнинг Яқин Шарқдан чиқиб кетиши билан «минтақадаги маданий ҳаёт қайта тикланди ва учала диннинг барча вакиллари Қуддусдаги тинч-осойишта ҳаётларига қайтдилар».

Салбчиларнинг қилмишлари битта умумий ҳолатни ойдинлаштиради: агар қандайдир бир гоёнинг издошлари маърифатдан йироқ бўлсалар, қалбларида иймон бўлмаса, Илохий дин томонидан буюрилган ахлоқ масалаларида нодонлик ва жохилликда юрган бўлсалар, гоёвий нуктаи назардан барқамол бўлмасалар, у ҳолда уларнинг зўравонликка мойиллиги ҳаддан ташқари қучли бўлади. Ана шу қоида даҳрийлик мафқурасига ҳам

бирдай тааллукли. Дунёдаги барча коммунистик ҳаракатлар зўравонлик тарафдори бўлишган, лекин улар ичида энг кутургани ва инсонийлигини йўқотгани Камбоджадаги Кизил кхмерлар режими эди. Чунки коммунистик мафкура тарафдорларининг энг жохил, энг нодон, гумроҳ оммасидан ташкил топганди. “Душманингни хали совимаган юрагини сугуриб олиб есанггина уни мағлуб киласан”, деган жохилона ақидага амал килган кизил кхмерлар ўз халклари бошига вахшиёна кулфатлар олиб келдилар.

Салбчиларнинг вахшийлиги

Фазилатли Фаластин ерларида уччала диний эътикод вакиллари тўла тинчлик ва тотувликда яшаб турган бир пайтда Оврупо насронийларининг айрим диний ва сиёсий раҳбарлари Куддус устига салбчилар юриши ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. 1095 йилнинг 25 ноябрида Клермондаги епископ бош бутхонасида Папа Урбан II насронийларни ҳарбий юриш қилиб, «Муқаддас заминни мусулмонлардан қутқаришга» чақирди. Оврупонинг барча бурчакларидан тўпланган насронийларнинг юз мингдан зиёдрок қўшини асосан Шарқнинг беҳисоб бойликлари тамаъсида Фаластинга қараб йўл олди. Ўзок ва силла қуритар юришдан, қирғинбарот урушлар ва мусулмонларнинг шаҳарларини вайрон қилишдан сўнг салбчилар қўшини нихоят 1099 йили Куддусга етиб борди. Беш ҳафтача давом этган қамалдан сўнг, шаҳар таслим бўлиб, салбчилар унга кириб бордилар ва тарихда хали кўз қўриб, қулоқ эшитмаган вахшийлик содир қилдилар. Шаҳарнинг барча мусулмонлари ва яҳудийлари қиличдан ўтказилди. Салбчилар севги ва раҳм-шафқат дини бўлган насронийликнинг барча ахлокий амр-фармонларини топтаб ташладилар ва «дин ҳимояси учун қураш» номи билан никобланиб, очик-ойдин ҳудонинг буйруқларига зид равишда террор уюштирдилар. Йиллар ўтиб салбчиларнинг жиноятлари ҳозирги замон насронийлари олий раҳбарлари ва жамоатчилиги томонидан эътироф этилди.

Салоҳиддин Айюбийнинг адолати

Салбчиларнинг ярим ёввойи лашқари сарҳадлари Фаластиндан Антиохия (ҳозирги Туркиянинг жанубий-шарқий қисмидаги Антиокия шаҳри)гача чўзилиб кетган Куддус подшоҳлигини ташкил этиб, Куддусни ўз пойтахтларига айлантирди. Бироқ муқаддас Фаластин ерларига даҳшат ва қайғу-алам олиб келган бебош салбчиларнинг ҳукмронлиги ўзок давом этиши мумкин эмас эди. Таникли сарқарда ва сиёсий арбоб,

Хоҳира султони Салоҳиддин Айюбий Яқин Шарқдаги барча мусулмон амирликларини бирлаштириб, 1187 йил 3 июлда Жалила (Генисарет) қўлидан гарброкдаги Хиттин кишлоғи яқинида бўлган жангда салбчиларнинг қўшинларига қашатқич зарба берди. Жангдан сўнг салбчилар қўшинларининг икки бош қўмондони Рено Шатильонский ва қирол Ги Салоҳиддин Айюбийнинг ҳузурига олиб келинди. Суддан кейин мусулмонларни қийноққа солиш ва қиргин қилиш билан ёмон ном чиқарган Рено Шатильонскийни қатл қилишга қарор қилинди. Қирол Гини эса, айби бўлмаганлиги учун озод қилиб юбордилар. Фаластин одамлар орасидаги қинамак адолатли муносабатга яна бир қарра гувоҳ бўлди. Хиттиндаги жангдан сўнг Салоҳиддин Айюбий Қуддус шаҳрини салбчилар ҳукмронлигидан батамом озод қилди, айнан Меърож кечаси арафасида Фаластиннинг 88 йиллик истилосига нуқта қўйилди. Салбчиларнинг 88 йиллик ҳукмронлиги даврида шаҳарда қачонлардан буён яшаб қолган барча мусулмонлар йўқ қилинган эди. Салоҳиддин қўшинлари шаҳарга қириб қолгандан сўнг, унда қолган салбчилар ўзлари ҳам ана шундай қисматга дучор бўлишларини қўрқув билан қутдилар. Бироқ Салоҳиддин шаҳардаги биронта ҳам насронийга зарар етказмади. Бундан ташқари, у қашат ўзларини салбчилар қўшинига мансуб ҳисоблаган қатолик насронийларга шаҳарни тарқ этишни буюрди. Православ насронийлар эса шаҳарда қолиб, ҳеч қандай қабр-қулм ва қамситиш қўрмай, одатдагидай ҳаёт кечирдилар ва диний ибодатларини адо этдилар. Англиялик тарихчи Қарен Армстронг мусулмонларнинг Қуддусдаги иккинчи қалабасини шундай таърифлайди:

1187 йилнинг 2 октябрида Салоҳиддин ва унинг қўшинлари Қуддусга қолибона қириб қелишди ва энди шаҳар 800 йил мусулмонларники бўлиши қерак эди. Салоҳиддин православ насронийларга ваъда берганидай, шаҳарда Ислом адолатининг юқсак тамойилларини ўрнатди. Қуръонга итоатан у ҳеч қимга қулм ўтказмади, 1099 йилдан буён салбчилар томонидан шаҳарда қириб қашланган диндошларининг беғуноҳ ўлими учун қасос олмади. Биронта ҳам насроний қатл этилмади, улардан бирон қишига ҳам қулм қилинмади. Ақир тушган салбчилар учун товоқ пули энг қам миқдорда белқиланди. Қуръон оятлари орқали буюрилганига қўра, оқир айби бўлмаган қўлаб салбчилар товоқ пулисиз озод қилиб юборилди. Салоҳиддиннинг иниси Одил ишлатиш учун ўзига 100 яқин ақирни сўраб олган эди, аммо кейинчалик уларнинг оқир рухий ҳолатдалигини қўрғач, ҳеч қандай товоқсиз барча қарбий ақирларга қавоб бериб юборди. Айрим бой насронийлар шаҳардан қетишга қарор қилдилар. Улар барча бойликларини ўзлари билан олиб, шаҳарни ҳеч қандай тўсиқсиз тарқ этдилар. Вақоланки, ана шу бойликлар барча ақирларни қотиб олиб, озод қилишга етарли эди. Епископ Гераклиус ўзи учун 10 динор тўлаб, тўлаган қамма мол-мулкини аравага юқлаб, шаҳарни қотирқам тарқ этди. Султон Салоҳиддин ва унинг қўл остидаги мусулмон қўшинлари насронийларга қинамак адолат ва раҳм-шафқат билан муносабатда бўлдилар, мағлубиятга учраган жангчиларга уларнинг салбчи сарқардаларига қараганда ҳам қўпроқ адолат қўрсатдилар. Фаластиннинг бошқа шаҳарлари ҳам салбчиларнинг вахшийлигига дучор бўлган эди. Қалқ қахрамони сифатида талқин қилинадиган Англия тарихининг афсонавий шахси Ричард Шерюрак 1119 йилда III салб юришида қозирги Исроил ҳудудидаги Акқон (Акра) қалъасини қамал қилишда қатнашган. Қалъа таслим бўлгандан кейин, у товоқ тўлаш ва сулх таклифларининг биронтасига қўнмай, шаҳардаги деярли 3000 мусулмонни, аёллар ва болаларни ҳам қўшиб қатл қилишга буюруқ беради. Шаҳарни салбчилардан озод қилган мусулмон қўшинлари тинч ақолининг вахшиёна қатл этилганлигини ўз қўзлари билан қўрдилар. Қаттоқи қариндошлар ва яқинларидан қудолик алами ҳам

мусулмонларга ганимдан ўч олиб, зулм қилишга йўл қўймади. Чунки Парвардигор Куръонда мусулмонларга шундай деб буюрган: «Эй мўминлар, бирон қавмни ёмон қўришингиз ҳаддингиздан ошишингизга тортмасин» (Моида, 2).

Мусулмонлар ҳеч қачон тинч аҳолига қарши ҳарбий қуч ишлатмаганлар. Хаттоки мағлуб бўлган салбчиларнинг қўшинларига нисбатан ҳам жазо ва шафқатсизлик қўлланилмаган. Чунки Ислом зўравонлик, зиддиятлар, урушлар ва террорни тағ-томири билан йўқотиш йўли ҳамда адолат, тинчлик, диний бағрикенглик ва фаровонлик қафолатидир.

Рус тилидан Аҳмад Муҳаммад Турсун таржимаси